

Mustahkam oila – yurt tayanchi

# QILA DAVRASIDA

№ 51 (397)  
2019-yil  
12-dekabr  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



**ОЗОДЛИК —**  
ЭНГ ОЛИЙ БАХТ

2-бет



**ТАНГАЛАР**  
арзонлашди

2-бет

Энди  
ҚОҒОЗБОЗЛИК  
**КАМАЯДИ**

2-бет



**РАҲБАРЛАР**  
энсасини қотирган  
**ДЕПУТАТ**

4-бет



Сийрати  
**БАЛАНД**  
**ЁШЛАР**

5-бет

**ЖИНСИЙ ЗУРАВОНЛИК 4,7 ФОИЗ**

**ҚИЙНАШ 8,3 ФОИЗ**

**ҚЎРҚИТИШ ВА ЗУЛМ ҚИЛИШ 3,7 ФОИЗ**

**РУҲИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШ 30,8 ФОИЗ**

**ОИЛАДА ЎЗ ҲУҚУҚРОНЛИГИ ВА ТАЪСИРИНИ ЎТКАЗИШ 7,8 ФОИЗ**

**ОИЛАДАГИ ЗУРАВОНЛИКЛАР**

**БУНИНГ ЖАБРИНИ КИМЛАР ТОРТМОҚДА**

3-бет



«Оила даврасида» газетасига

2020 йил **ОБУНА** учун

Обуна индекси — 193

ЎЙИНИҒИЗГА БОРИБ  
ОБУНА ҚИЛАМИЗ!  
Тел.: 98 198-98-99  
71 253-70-70

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз,  
мулоҳазангиз, муносабатингиз билан  
чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**



uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй  
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара  
китоблар  
ассортименти

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллиги муносабати билан «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади. Бу ҳужжат кўплаб оилаларга қўшалоқ байрам шукўҳини улашди.

## ОЗОДЛИК ШУКУҲИДАН ОРТИҚ БАХТ БОРМИ...



**Шавкат ЖАВЛОНОВ,**  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви раиси.

Дарҳақиқат, адашиб ҳуқуқбузарлик йўлига кирган ва содир этган қилмишдан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни тўғри йўлга, оиласи бағрига қайтариш ўзини инсонпарвар давлат, деб биладиган ҳар қандай мамлакат олдидаги муҳим масалалардан биридир.

Президентимизнинг фармонида мувофиқ, жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 фуқаро афв этилди, улардан 20 нафари жазодан тўлиқ озод этилади, 37 нафари шартли равишда муассасалардан аввал озод этилади, яна 16 нафар шахсга нисбатан белгиланган жазо энгилроғига алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, жазони ижро этиш муассасаларидан ҳамда пробация хизмати органлари ҳисобидан чиқариладиган фуқаролар сони 73 нафарни ташкил этади. Бундан ташқари, яна 19 шахсга нисбатан озодликдан маҳрум этиш кўринишида белгиланган жазо қисқартирилади.

Мамлакатимиз ҳаётига тағбиқ қилинган афв этиш институти том маънодаги инсонпарварлик ифодаси бўлиб, моҳиятида инсонпарварлик, кечиримлик, бағрикенглик каби тушунчалар ётади. Бугун афв этилган юрдошларимиз ушбу тамойилларни ўз ҳаётида ҳис қилмоқда.

Жазодан озод қилинган ёки муддат қисқартирилганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз маҳалладошларимиз. Албатта, уларнинг ҳам уйда интиқ кутаётган ота-онаси, акаси, синглиси, ёру биродари, фарзандлари бор. Жазони ижро этиш муассасаларида ўтадиган бир йил, ҳатто бир кун, бир соат нафақат маҳкумларнинг ўзи, балки оила аъзолари учун ҳам оғир кечиши ҳеч кимга сир эмас.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишига кўмак бериш бўйича маҳаллаларимиз олдида катта вазифа



турибди. Азалдан йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш, эгри йўлга қадам босганларни жамоатчилик орқали тарбиялашдек ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни бағрикенглик ва адолат билан удалаб келаётган фуқаролар йиғинлари афв этилган кишиларга ҳам ўз бағрини очадди, чин дилдан кўмаклашадди, албатта.

Қабул қилинган фармон асосида кўплаб одамлар озодликка чиқди, кўпларининг жазоси энгиллаштирилмоқда. Бу эса юзлаб оилаларнинг хурсандчилиги дегани. Ахир оила тўлиқ бўлишидан, озодлик шукўҳидан ортиқ бахт борми, дунёда?!

Албатта, афв этилганларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш олдимизда турган галдаги долзарб вазифалардан саналади. Бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳамкор ташкилотлар – «Нуроний» жамғармаси, Хотинкизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази янада фаоллик кўрсатади. Зеро, ушбу юрдошларимизнинг жамиятда ўрнини топиши, маҳалла-кўйга қўшилиши, зарур меҳнат ва яшаш шароитига эга бўлиши, умуман олганда, соғлом турмуш тарзига қайтиб, бошқа адашмаслиги барчамизга боғлиқ.

Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиланинг жам бўлиши, айнаси, оила боқувчиси, тарбиячиси бўлган ота-онанинг уйга қайтиши жуда чуқур маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга. Мазкур фармон айна вақтда оиланинг давлат муҳофазасида бўлишига ҳам хизмат қилади.

Қолаверса, кечирилган ҳар бир шахс ўзига бидирилган ишонччи оқлаб, юртимизда амалга оширилгаётган кенг кўламли ислохотларга муносиб ҳисса қўшиши, жамиятда ўз ўрнини топишига ишонамиз.

### Молия

## «БЮДЖЕТ – 2020» ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тўғрисида»ги қонунни имзолади. Бу ҳақда Адлия вазирлиги хабар берди.

Қонун билан республика бюджетининг даромадлари прогнози ва харажатлари, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари прогнозлари белгиланди.

Шу билан бирга, 2020 йил учун айрим солиқлар ва тўлов ставкалари тасдиқланди. Жисмоний ва юридик шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари, мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун ижара тўловининг энг кам ставкалари кабилар шулар жумласидандир.

Қонунга кўра, бир қатор харажатлар республика бюджетидан молиялаштиришга, айрим харажатлар маҳаллий бюджетдан молиялаштиришга ўтказилади.

Ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

### Қулайлик

## ЭНДИ ҚОҒОЗБОЗЛИК КАМАЯДИ

Эндиликда фуқаролардан 28 турдаги ҳужжатларни талаб қилиш таққиқланди, дейилади ЎзА ахборотида.

Ўзбекистон Президенти «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолаган эди. Мазкур ҳужжатга кўра давлат органлари ва ташкилотлари жами 28 турдаги ҳужжатларни фуқаролардан талаб қилишига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан эса уларнинг берилишига йўл қўйилмади. Бу 2020 йил 1 январдан бошлаб қучга қиради.

Шу санадан эътиборан, давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ҳужжат айланиши ва ҳисоботларни юритиш фақат электрон кўринишда амалга оширилади.

### Банк

## ИПОТЕКА КРЕДИТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

«Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Президент Фармони қабул қилинди, деб хабар берди «Дуқуқий ахборот» канали.

Фармонга кўра, бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этилади.

Унда Молия вазирлиги пул маблағларини тижорат банкларида 15 йил муддатга бозор шартлари асосида жойлаштириш; тижорат банклари аҳолига ўз маблағлари ва Молия вазирлиги ажратадиган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари тақдим этиши; айрим шахсларга (кам таъминланган, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож в.б.) ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фойзаларнинг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар тўлашиши назарда тутилган.

Янги тартиб қишлоқ жойларда – Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари шаҳарлари ва туман маъмурий марказларига туташ худудларда; Тошкент шаҳрида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларида жорий этилади.

### Таълим

## КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Конституция – келажгимиз пойдевори, ҳуқуқларимиз ҳимоячиси, эркинлигимиз қафолати. Унда белгилаб берилган тамойиллар том маънода юртимиз бугуни ва эртаси учун, жаҳон миқёсида ўз ўрнимизни эгаллашда пойдевор бўлмоқда.

Бош Қомусимизнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини ёш авлод онгига сингдириш, уларнинг ҳуқуқий салоҳиятини ошириш таълимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун барча таълим муассасаларида Конституциямиз қабул қилинганнинг 27 йиллиги муносабати билан тадбирлар ташкил этилмоқда.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 165-умумтаълим мактабда ўтказилган «Конституция менинг тақдиримда» мавзусидаги байрам тадбирида ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар иштирок этди. Тадбирни ташкил этишдан мақсад Ўзбекистон Конституциясининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини



ўқувчилар орасида кенг тарғиб этиш, ёшларимиз қалбидан қонунга ҳурмат, Ватанга садоқат туйғусини қучайтириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишдир.

Тадбир давомида Бош Қомусимизнинг қабул қилиниши тарихи, унинг бугунги кунда республикамизнинг ҳар бир фуқароси ҳаётидаги ўрни ва ватанимиз таракқиётинидаги аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

**Лола НОРҚОБИЛОВА,**  
Олмазор туманидаги 165-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси

### ЎШИТДИНГИЗМИ?

## ЭСДАЛИК ТАНГАЛАР АРЗОНЛАШДИ

Ўзбекистон Марказий банки эсдалиқ тангаларнинг жорий йил 11 декабрдан амалда бўладиган нархларини белгилади.

Унга кўра: 1 та олтин танга нархи – 14 300 000 сўм. Демак, тангалар баҳоси ўтган ҳафтага нисбатан 100 минг сўмга арзонлашган;

1 та қумуш танга нархи – 318 000 сўмни ташкил этди. Бу ўтган ҳафта – 323 000 сўм эди.

Эсдалиқ тангаларнинг ҳар бирининг оғирлиги 31,1 граммдан иборат. Металлар пробаси 999,9 га тенг.

Мазкур тангаларни 2018 йил 28 ноябрдан бошлаб тижорат банкларининг айрим филиалларида нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида сотиб олиш мумкин.

# ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКЛАР ОҚИБАТИ



## Бунинг жабрини кимлар тортмоқда?



**Оила – муқаддас даргоҳ. Биргина шу «муқаддас» сўзи оилага бўлган муносабатимизни тўла англайди. Зотан, миллатнинг эртанги кунига дастлаб оилада пойдевор қўйилади, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятида инсон ва унинг манфаатлари устувор экан, қўзланган мақсадга эришишда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган оиланинг ўрни беқийсдир.**

Жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашни оилдан бошлашқанига уни илдири билан қуришти мумкин. Хуқуқбузарлик, жиноятчилик, коррупция каби иллатларга қарши кураш қанчалик кенг бўлган қасб эмасин, натижа мактанлари эмас. Аслида ҳар бир инсон оилада уларга қарши иммунитет билан тарбия топса – олам гулистон, ўз-ўзидан барҳам топиб кетади. Хўш, бунинг учун нима қилиш зарур? Ишни нимадан бошлаган маъқул?

Кунини кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан Европада давлатчилик ва ҳамкорлик ташкилоти кўмағида «Оилада хуқуқбузарлик профилактикаси» мавзуда ўтказилган давра суҳбатига бу саволлар атрофида муҳокама этилди. Олий суд, Ички ишлар вазирлиги академияси, Бош прокуратура ва бошқа ташкилотлардан иштирок этган мутахассислар масалага ечим излашди.

– Ўзбекистонда хотин-қизлар ва болаларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда, оналик ва болаликни химоя қилиш учун кенг қўламли ишлар қилиняпти, бироқ шу билан бир қаторда, мазкур соҳадаги ишлар тахлили оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашда қатор камчилик ва тўсиқлар ҳам кўзга ташланаётганидан ҳарқам беришти, – дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази раҳбари Дилором Тошмухамедова. – Тадқиқотларнинг кўрсатишича, маънавий зўравонлик жабрдийдаларини ҳам, оила аъзоларига нисбатан куч ишлатадиган шахсларни ҳам маълумоти ёки ижтимоий мақоми бўйича ажратиб бўлмайди. Маънавий зўравонлик ҳолати юқори иқтисодий мақомга эга бўлган оилаларда ҳам, кам таъминланган оилаларда ҳам бирдай намоён бўлади. Қолаверса, моддий таъминоти юқори бўлган оила аъзоларининг бу вазиятдан чиқиш учун ёрдам сўраши нисбатан мураккаброк

эканни аниқланган ва улар йиллар давомида зўравонликка чидаб келади.

Марказ таҳлиллари шундай: кундалик ҳаётда оила аъзолари (*эр билан хотин, қайнона ёки қайнопа ва келин, ака-ука, она-сингиллар*) ўртасидаги келиш-мовчилик оқибатида вужудга келадиган низоли вазиятларни 100 фоиз деб оладиган бўлса, ундан оилада бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиши 34,8 фоиз, шахсга зўрлик билан руҳий таъсир кўрсатиш 30,8 фоиз, оилада ўз ҳукмронлиги ва таъсирини ўтказишга қаратилган хатти-ҳаракатлар 7,8 фоиз, жинсий зўравонлик қилиш 4,7 фоиз, қийнаш орқали руҳий азоб бериш 8,3 фоиз, кўркитиш ва зулм қилиш 3,7 фоизни ташкил этади.

«Нима учун оиладаги зўравонлик жабрланувчилари бу ҳақда ички ишлар органларига хабар беришмайди?» деган савол билан мурожаат қилинганда, зўравонлик қурбонларининг 63,1 фоизи ўз оиласининг обрўсини сақлаш мақсадида хуқуқлари поймол бўлишига жим қараб туришганини айтишган.

– Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликлар жабрини асосан аёллар кўради. Бу кўпга аёлларнинг хуқуқлари топталишига, турмуш тарзидан қониқмай, ҳатто ўз жонига қасд қилиш даражасигача боришига, вояга етмаган фарзандларнинг она меҳридан эрта мосуво бў-

лишига сабаб бўлмоқда. Ҳар қанча давлатнинг, обрў-мансабнинг юқори бўлмасин, оиланга тотувлик бўлмаса, еган лўқманг ҳам, бир бурда ноннинг ҳам тати-майди. Энди униб-ўсиб, балоғат ёшига етаётган фарзанд кун ора оилавий низолаарга гувоҳ бўлаверса, нотинч муҳитда вояга етса, ўқиб-ўрганиб ўз келажига ҳақида қайғуриш каби асосий мақсадидан ҳам қалғиб қолиши ҳеч гап эмас, – дейди Ички ишлар вазирлиги Жиноятчиликнинг олдини олиш бош бошқармасининг хотин-қизлар ишлари бўйича бўлими махсус ишлар бўйича катта инспектори, подполковник Нилуфар Гиясова.

Маъмурий ҳудудларда яшовчи ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни ўз вақтида аниқлаб, уларга ижтимоий, хуқуқий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, хуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни ўз вақтида аниқлаб, улар билан манзилли профилактика ишлари ташкил этиш, ҳар бир содир этилган хуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш маънавий зўравонликнинг олдини олиш борасидаги муҳим кадам эканлиги таъкидланди.

– Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик носоғлом маънавий-руҳий муҳит таъсирида вужудга келади. Содири этилаётган айрим жиноятларни таҳлил этадиган бўлсақ, оиладаги нотинч муҳит

ота ва ўғил ўртасида низо келиб чиқишига сабаб бўлган ва ўғилнинг отага қарата: «Менга ақл ўргатманг» деган жаҳломуз айтилган сўзи ота томонидан фарзанднинг пичокланишига сабаб бўлган. Бу оилада тарбиянинг заифлиги, ота-оналарнинг ўз муаммолари сабабли келишолмай, оилада носоғлом муҳит яратгани ва фарзанд тарбиясига маъсулиятсизлик билан қараётганидан далолат беради, – дейди юридик фанлар бўйича фалсафа доктори Алишер Муродов. – Фаровон оилани бунёд этишда Канада тажрибаси кенг эътироф этилган. Нима учун? Чунки, Канада давлатида оиладаги хуқуқий профилактика бўйича бир йилда элликдан орттиқ хужжатли фильм, видео-роликлар олинади. Агар бизнинг юртимизда ҳам маънавий турмуш доирасидаги хуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид видеофильм, реклама ва бошқа материаллар тайёрланиб, ОАВда мунтазам равишда намойиш этилса, бу оилаларда соғлом маънавий муҳит қарор топишига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Тадбир давомида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ташкил этилган фаровон оила мадҳига бағишланган хужжатли фильм намойиш этилди.

**Махфуза ПҮЛАТОВА,**  
«Оила даврасида»  
мухбири

## БОЛАГА ҚАНОТ БЕРИНГ



**Донишмандлардан бири «Ҳар ким ўзи қидираётган нарсани топа оладиган қайфиятда яшасин», деган экан. Назаримда, бу ҳикमत таълим олаётган фарзандларимизнинг ҳаётдаги асл руҳий-маънавий ҳолатини акс эттирса керак.**

Бугун ёшларимиз ҳақида турли фикрлар эшитаямиз. Айрим ота-оналар ёшларнинг таълим-тарбиясида қониқмаётганини гапиряшади. Уларнинг хуқуқ-одоби, ўқиши, тарбияси ҳақидаги салбий таъсирларни ўша ёшларимизнинг ўзи қандай қабул қилади? Шубҳа йўқки, улар бундай гапларни эшитиши ҳам, эшитиб қолиши ҳам ёқтиришмайди. Тўғривоғи, эшитавериб қада бўлиб кетганлари ҳам бор. Ёшлар, айниқса, ўсмирлик ёшидагиларга ўзлари ҳақида-

ги танқидий фикрлар жуда ёмон таъсир қилади. Ҳатто, бу аянчли оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Бундай пайтларда уларга тўғри ва самарали муносабат кўрсатишнинг бирдан бир йўли – мотивация. Унинг ютуқларини кўрсатиб, эътироф этиб, яхши гап, самимий муносабат билан истиқболдаги катта ютуқларга руҳлантириб туришдир. Биргина мисол, машҳур сўз устасининг фарзандни уйқудан уйғотиш борасидаги бизнинг ва бошқаларнинг ёндашувимиз ҳақидаги лағифаси ҳаммага яхши маълум бўлса керак...

Ҳа, чиндан ҳам, биз фарзандларимизни кўпроқ улардаги нуқсон-камчиликларни ошқор қилиш билан тарбияламоқчи бўлаемиз. Уларнинг ютуқларини эътироф этиш тарбиядаги номақбул усул, бу болани талтайтириб юборади, деб ҳисоблаймиз. Лекин бундай қараш ҳаммиша ҳам ўзини оқлайвермайди. Салбий сўзлар, уришиш, жеркиш билан

боланинг қанотини қирқмаслигимиз, аксинча, болага қанот бериб, кези келганда ютуқлари билан ғурурланишни ҳамда уларни янада кўпайтириб боришни ҳам эслаштириб туриш зарур.

Ота-она оилада, ўқитувчи ва мураббий эса таълим муассасасида болани фақат салбий жиҳатларини гапирверса, бундай боладан бирон интилиш чиқиши қийин. Бу, айниқса, ўтиш ёшидаги болани кўрс ёки «ичимдагини топ» қабилидаги писмиқ инсонга айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Яхши, мулоим ва чиройли сўзнинг таъсири катта эканини ҳамма билади. Лекин негандир таълим-тарбия жараёнида ҳамма ҳам шундай усулдан фойдаланишни уйдalayвермайди. Катталар ёшларга жаҳл қилиш, бақирши, уришиш, тўполон қилиш ўрнига меҳр билан муносабатда бўлиб, ҳамма нарсани ётиги билан тушунтирса, ортиқча эхтиросга ўрин қолдирмаса, энг муҳими, қилаётган

иши тўғри-нотўғрилигини ўзи англаб етса, назаримда, бу борада анча ижобий натижага эришиши мумкин.

Мактабда дарсини жуда ёмон ўзлаштириётган ўқувчига: «бугун сенда анча ўзгариш бор. Интилишини яхши. Яна озгина ҳаракат қилсанг, ҳаммадан зўр ўқийдиган ўқувчига айланасан», деган ёндашув қилинса, энг ўзлаштириши паст ўқувчида ҳам озгина бўлса-да, уйдalay оларқанман, меннинг ҳам қўлимдан келаркан, қабилидаги ишонч пайдо бўла бошлайди. Устоз-мураббийнинг ўқувчига берадиган энг катта ёрдами ҳам шу аслида. Ўқувчида ўзига мустақкам ва тўғри ишонч шакллантирилса, бошқа ишлар унча қийин бўлмайди.

Боланинг кўнгли тулғай нозик. Уни таққир ва ҳақорат билан озиқлантириш мумкин эмас. Фақат самимият, меҳр, тушуниш, қалбни яқинлик, ўрни келганда рағбатлантириб туриш, ҳар қандай қичик муваффақиятини ҳам кўриб, эътироф этиб бориш уни катта марраларга етаклайди.

**Матлуба МАТҚУРБОНОВА,**  
Қўшқўтир туманидаги 1-сон  
ихтисослаштирилган мактаб-  
интернати олий тоифали ўқитувчиси

# РАҚБАРЛАР ЭНСАСНИ ҚОТИРГАН ДЕПУТАТ

## бу галги сайловда номзодини қўя олмади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева яқинда бир йиғилишда бугунги кунда депутатлар қилиши лозим бўлган ишларни журналистлар бажараётганини мардона эътироф қилди.

Депутатлар – ҳар доим халқ билан бирга бўлиши, уларнинг қувончу дардига ҳамнафас яшаши лозим бўлган шахс деб тавсифланади. Аслида эса шу давргача айрим ҳудудларда шўролар давридагидай сессияда қарсақбозлик билан шуғулланиб, яна қайта-қайта сайланиб келаётган депутатлар борлиги ҳам сир эмас. Бундайлар билими ва салоҳияти бир нави, бироқ кимнингдир таниши ёки ўтирган мансаб лавозими тўғрисида нуфузли мақомга номзодини қўйишган, халқ эса уларнинг сайловгача берган коп-коп ваъдаларига ишончи, овоз беришган. Минг таассуф...

22 декабрда бўлиб ўтадиган сайловлар ҳар галгидан ўзгача, чинакам демократик руҳда бўлиб ўтиши ҳақида кўп гапирляпти. Хўш, бунга чиндан ҳам асос борми?

Айрим ҳудудларда партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар халқ билан учрашиб, бундан бугунга бошқача: халқ билан бирга ишлашни гапирляпти, муаммоларни ҳал қилиб беришни ваъда қилипти. Кимдир уларга ишоняпти, кимдир эса... узок йиллардан бери давом этиб келаётган ваъдабозликдан бошқа нарса эмасмикан деган ҳавотирда.

Тўғри, халқнинг дарди, ташвиши билан ёниб-қуядиган депутатлар ҳам йўқ эмас. Улар ўзининг депутатлик даврида ўнлаб муаммоларни ҳал қилишда қамарбаста бўлди. Қатор-қатор масалаларни ҳал қилиш мақсадида мутасаддиларнинг эшигини эртаю кеч тақиллатишдан чарчамади. Раҳбарлар ундан безор ҳам бўлиб кетишиди ҳатто. «Навбатдаги сайлов келсин ҳали, ўшанда мендан кўрасан!» деган ёшулдилар ҳам бўлди.

Мана, навбатдаги сайловга ҳам санокли кунлар қолди. Халқ депутатлари Янгиариқ туман кенгаши депутати Рўзбой Маткаримов эса бу галги сайловда депутатлик учун номзодини қўя олмади...

Рўзбой ўрта махсус маълумотга эга, Жива педагогика билим юртини тамомлаган. Оилавий шароити тўғри келмаганлиги сабаб олий ўқув юртига кириб ўқий олмади. «Энди қирчиллама қирқ ёшимдан, албатта университетга кириб ўқийман», дейди у.

Ўрта махсус маълумотга эга бўлса ҳам Рўзбой Маткаримов пишиқ билимга эга. Болаликдан ижодга қизиққанлиги сабаб даврий нашрларда ўзининг фотолар ва мақолалари билан қатнашиб туради. Бир неча йил «Фидокор», «Хоразм иктисодиёти», «Янгиариқ овози» газеталарида мухбир бўлиб хизмат қилди. Ўзининг қунончилиги, тўғрисиқлиги билан танилган.



Ўтган галги сайловлар даврида «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан Рўзбой Маткаримов туман кенгаши депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган эди.

– Ўшанда мен унинг ишончли вакили бўлганман. Сайлов кунини одамлар Рўзбойни алқаб, дуои хайр қилиб, унга овоз бериб кетишарди. Ишонасизми, у 89 фоиз овоз билан муқобил номзодни мағлуб қилганди, – дея ўтган галги сайлов жараёнларини эслайди Р.Маткаримовнинг ишончли вакили бўлган журналист Муборак Бежқонов.

89 фоиз овоз! Бунга кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Бироқ оддий халқ фарзанди сифатида талайгина муаммоларга ечим топишга енг шимариб келаётган жўмард йиғитга қишлоқдошларининг хурмати чексиз, ишончи баланд эди. Унинг депутатликка сайланса, яна бошқа муаммоларнинг ижобий ҳал қилиниши мумкинлигига қаттиқ умид боғлашарди.

Ҳақиқатан ҳам Рўзбой депутатликка сайланган одамларнинг анча-мунча умиди рўёбга чиқди. Киска давр ичида у элликка яқин ечимини кутиб ётган масалаларнинг тез ва сифатли ҳал қилинишига хисса қўшди. Ёшларни иш билан таъминлаш, тadbиркорларга ер ажратилиши, қишлоқда мактабгача таълим муассасаси қурилиши, мухтож оилаларни уй-жой билан таъминлаш, хужжатсиз мигрантларни ўз юртига олиб келиш... каби катта муаммоларни ҳал қилиш учун ўз ваколатидан унумли фойдаланган ҳолда фаолият юритди.

– Янгиариқ туман ҳокими Максуд Саидов ва унинг ўринбосарлари номига ойда бир-икки бора депутатлик сўрови юборардим. Бора-бора у депутатлик сўровларимга мутлақо жавоб бермай қўйишди, – дейди Рўзбой Маткаримов.

Р.Маткаримовда отнинг калласидай юрак бор экан. Йиғилишлардан биринчи тўғри раҳбарлардан бири фермерларга шахсиятига тегадиган муомалада бўлади. Шундан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан бирининг раҳбари инсон ҳуқуқлари тўғрисида узундан узок ваъз ўқийди. Бу лўттибозликка чидай олмаган Р.Маткаримов сўзга чиқиб: «Сиз инсон ҳуқуқлари бўйича ажойиб, баландрарвоз гапларни айтингиз. Ахир кўз ўнгингизда фермерларга қилинаётган муомалани кўриб, сиз нега жим қараб турибсиз?» – дейди.

2019 йил баҳорида Р.Маткаримов XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган немис меннонитлари яшаган Оқмачит маҳалласини сайёҳлик маршрутга киритиш масаласини кўриб чиқиш учун туман сессияси кун тартибига киритиш таклифини ўртага ташлайди. Таклиф «Миллий тикланиш» партияси Янгиариқ туман кенгаши раиси Ф.Юсупов томонидан эътиборсиз қолдирилган, Р.Маткаримов ушбу партия аъзоларини тарқ эштига мажбур бўлади. Аъзоликдан чиқарқан, ўз илдоларини «Миллий тикланиш» партияси вилоят кенгаши раисига бир неча варақдан иборат хитобнома орқали йўллайди. «Энг катта жазо – эътиборсизлик» дегандек, партиянинг вилоят кенгаши раҳбари бу мурожаатга жавобан лом-мим демайди.

Бу ёш депутатнинг ҳақиқатпарварлиги бугунга келиб қимматга тушди. Туман мутасаддиларнинг энсасини узок қотирган Р.Маткаримов номзоди айни сайловда жараёнда асоссиз равишда рўйхатга олинмади.

Бугун елиб-юғуриб ишлайдиган депутатлар жуда муҳимлиги ҳақидаги оташин сўзларга ишонган ЎзЛиДеП туман кенгаши раиси О.Раззоков Рўзбойни ўз партиясига аъзоликка таклиф қилади.

– Менга партиянинг аҳамияти йўқ, энг муҳими халқ муаммоларига ечим топиш ваколатим бўлса бўлгани, – дея журуннинг давом эттиради Рўзбой. – Шунинг учун ҳам партия туман кенгаши раиси таклифига дарҳол қўндим. Таассуфки... О.Раззоков туманининг казо-казо раҳбарлари ҳузурига кириб чиқдию, ранги бўзарганча «Уэр, биз сенинг номзодингни рўйхатга ололмаимиз. Бизга олий маълумотли номзодлар керак», деган жавобни берди.


Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг барча минтакаларида 22 декабрда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлари депутатлигига сайловларга қизгин тайёргарликлар кўрилоқда. Депутатликка номзодини қўйган шахс халқпарвар, виждони уйғоқ шахс бўлиши ҳақида кўп гапирляпти. Янгиариқда эса бундай шахс номзоди арзимас баҳона билан рўйхатга олинмади.

**Сарви ОЗОД,**  
журналист

Бугунги кунда фуқаролар жойларда бўлаётган турли қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан ўрилли равишда шикоятлар билан мурожаат қилишмоқда. Уларни ўрганиб чиққанмишда фуқаролар талаби асоссиз эмаслиги маълум бўлди.

## ФУҚАРО 1,2 МИЛЛИОН ПЕНЯДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

Хусусан, Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Ш.Атабаева бола парваришlash таътилидан ишга қайтган. Лекин ходимга Тошкент шаҳар «Тошсисиккувати» ДУК томонидан иш ўрни қисқартиришга тушгани тўғрисида огоҳлантириш берилган. Фуқаронинг бу ҳолатдан норози бўлиб қилган ёзма мурожаати Шайхонтохур туман адлия бўлими томонидан кўриб чиқилди.



Мурожаат ўрганилган, «Тошсисиккувати» ДУКга фуқаро бола парваришlash таътилига чиққанда иш жойи сақланиб қолгани ва фуқаро Ш.Атабаевани ишга чиқишга ҳуқуқи борлиги ҳамда «Тошсисиккувати» ДУК Ш.Атабаевани олдинги иш жойига тикланиши лозимлиги тўғрисида хат киритилди. Натижада, фуқаро Ш.Атабаева бугунги кунда бола парваришlash таътилидан олдинги иш жойига қайта тикланиб, мурожаат тўлиқ қаноатлантирилди.

Фуқаролар мурожаатлари орасида юқорида номи тилга олинган ташкилот билан боғлиқ яна бир ҳолат кўриб чиқилди. Унга кўра, фуқаро И.Алимухамедованинг «Тошсисиккувати» ДУК томонидан август ойида ишлаган даври учун ойлик маоши берилмаган. Мурожаат ўрганилган, «Тошсисиккувати» ДУКга фуқаро И.Алимухамедованинг ишлаган даври учун ойлик маоши тўлаб берилиши лозимлиги юзасидан хат киритилди. Натижада, фуқаро И.Алимухамедованинг август учун ойлик маоши «Тошсисиккувати» ДУК томонидан тўлаб берилиб, мурожаат тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, фуқаро М.Лутфуллаеванинг Шайхонтохур тумани газ таъминоти корхонаси томонидан асоссиз равишда 1.223.012 сўм пеня ҳисобланганидан норози бўлиб қилган ёзма мурожаати кўриб чиқилди. Туман газ таъминоти корхонасига фуқаро М.Лутфуллаеванига нисбатан асоссиз равишда ҳисобланган пеняни олиб ташлаш ҳамда келгусида иш фаолиятида бундай ҳолатларга йўл қўйилмаслиги учун чора-тадбирлар кўриши лозимлиги ишлаган даври учун қироилган, мазкур фуқарога асоссиз равишда ҳисобланган 1.223.012 сўм пеня олиб ташланди.

Жойларда базан учраётган бу каби турли ҳолатларда биринчи навбатда фуқароларимиз ҳам ўз ҳуқуқлари учун ҳаракат қилиб, вақтида тегишли органга мурожаат қилишса, инсон манфаатлари ҳимоясига ўзлари ҳам муносиб хисса қўшган бўлар эди.

**Ф.АКБАРОВ,**

Шайхонтохур туман адлия бўлими бошлиғи

## ЭЪЛОНЛАР

Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси томонидан Оҳангарон, Окқўрғон тумани ва Беқобод шаҳар Давлат хизматлари марказларининг янги биноларига 757 миллион 400 минг сўмлик мебель ва офис жиҳозлари харид қилиш учун конкурсе эълон қилинади. Мурожаат ва таклифлар жорий йилнинг 23 декабрь санасига қадар қабул қилинади.

**Мурожаат учун телефон:** 71-230-32-48

**Манзил:** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Бектемир шох кўчаси.

\*\*\*

ЎзДЖТУ томонидан 2002 йилда Неъматов Шухрат Тошпулатовичга берилган В № 090213 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Бола тарбияси қачон ва қаердан бошланади, деганда ҳаммамиз оиладан бошланади, деб айтамыз. Аммо оилада ҳар бир ота-она ўз боласини ким қилиб тарбияламоқчи, деган саволга бугун на ота-она, на атрофдагилар аниқ бир жавоб бера оляпти. Ваҳоланки, оиладаги тарбиянинг асоси мана шу саволлардан бошланиши керак.



## ЁШЛАРИМИЗНИ НЕГА КИБОРЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАЙ ОЛМАЯПМИЗ?

Ақлли жонотда мақсадсиз фаолият содир этилмайди. Демак, оиладаги фарзанднинг ким бўлиб вояга етиши шу оила аъзоларининг ўз олдига қўйган аниқ савол ва мақсадларидан бошланиши лозим. Шундай экан биз ўз фарзандимизни жамиятнинг энг илғор кишиси қилиб тарбиялашимизга нима-лар етишмайди ва нима бизга халақит беради?

Совет даврида кибор (*араб тилидан бизга кириб келган катталар, улуг кишилар маъносини берувчи сўз*), аристократ (*يونон тилидан яхшилар, аристократ ва кратос ҳукумронлиги, яъни яхшилар ҳукумронлиги*) сўзларини халқимизнинг онгидан чиқарилишига уринганлар маълум натижаларга эришгани туфайли бизнинг онгимизга улар ёмон сўз ва ёмон тушунча бўлиб кириб қолди. Эндиликда уларнинг асл маъноларини қайтариш ва шу йўл билан жамиятимизга, айниқса, кириб келаётган ёш авлод вакиллариغا ушбу киборлик, аристократлик кўникма ва тушунчаларини сингдиришга ҳисса қўшиш зарур.

Маълумки, шахснинг биргина жамоат жойида ўзини қандай туттишига қараб уни жамиятнинг қайси табақасидан эканини, оилада қандай ахлоқий тарбия олганини аниқлаб олса бўлади. Психологларнинг ўтказадиган кўпгина сўровларида кишининг ахлоқий нормаларга эътибори ва унинг хусусиятидаги бу кўринишлар, унинг кийиниши, жамиятда ўзини туттиш тарзи ва шунга ўхшаш одоб ва ахлоқ нормалари шахснинг ижтимоий ўсишида, хизмат қарьерасида амалий ёрдам берадими, деган саволларга 80-90 фоиз респондентлар жобий жавоб беришади. Шундай экан, юқорида қўйилган саволга фақат ижобий жавоб берган ҳолда, биз ёшларимизни киборлар, аристократлар руҳида тарбиялашимиз керак, деб бу борада амалий ишларга ўтиш вақти аллақачон келган, деб ўйлайман.

Билмадим, кимга қандай, менга кибор, аристократ, мулоқот сирларидан тўлиқ хабардор, маълум маънодаги «хамма бирдай» тушунчасидаги советлар тарбиясидан кутулган кишилар ва улар билан суҳбатлашимиз жуда ёқадими. Қизиғи шундаки,

бу талаб ва иштиёқ фақат менадагина эмас, кўпчиликда ҳам уйғониб келяпти. Энди биз ўз фарзандларимизни фақатгина олий ўқув юртларида билим олишгагина қаратмай уларнинг юқори тарбия намуналаридан ҳам хабардор бўлиш тарафдорига айланишимиз. Демак, болаларимизнинг руҳига мактаблардаёқ аристократлик, киборлик руҳи аллақачон керакли дарслар орқали сингдирилган бўлиши лозим.

**Аристократлик, киборлик кийиниш маданиятисиз тасаввур қилинмайди. Демак, бу дарслар ҳам мактаб дастурларидан жой олиши керак. Ушбу амалий аристократик дарслар тизимида албатта суҳбат, мулоқот маданияти дарслари бугунги кунда ҳаммамизга, айниқса, ёшларимизга сувдай зарурлиги сезилапти.**

Кўпчилик суҳбатларда баъзан ёшлар ва уларнинг тарбияси ҳақида сўз кетади-да «Бугунги ёшлар...», деб баъзилар хозирги ёшларимиздан нолий бошлайди. Аслини олганда бу нолишлар тарбия йўналиши учун янгилик эмас. Бундан икки минг йил илгари файласуф Сукрот ҳам ёшлар борасида ана шундай нолишларнинг ўта катта намунасини қолдириб кетган. У шундай ёзади: «Хозирги ёшлар бойликка ўрганиб қолган. Улар катталарни ҳурмат қилмайди, бообўрларни ёқтиришмайди, ёмон хулқлари билан ажралиб туради, ота-оналари билан моқор қилишади, овқатда очкўзлик қилиб, ўқитувчиларга азоб беради», деган эди.

Жамиятимиз табақалашиб бораётган бир пайтда биз ёшлар орасида икки йўналишни очик-ойдин кўряпмиз. Бири юқорида айтилгандай, яқиндагина жамиятимизда учрайдиган ўрта-пастликдан ҳам тубанлашиб бораётган бўлса (*бу албатта яхши эмас*), бошқалари,

асосан кўпчилиги секин-аста ўз тилларига эътибор беришдан бошлаб, яхши маънода киборлик намуналарини ўз шахсий хусусиятларига сингдириб борапти. Бундай ёшларимизнинг тилида ўз кишлоғиго оиласининг лаҳжасини, вилоятининг шева намуналарини ҳам учратяпмиз. Шунинг ўзи ўсиб келаётган авлодимиз ўз келажигини яратишида тўғри йўлдан бораётганини кўрсатади.

Энди масаланинг асосий томонларидан бири – қандай қилиб ёшларимизнинг кўпчилигини мана шу киборлик, аристократлик руҳида тарбиялаш муаммоси. Бу йўналишда мен тарбияга бағишланган кўплаб мақолаларимда такроллаб келадиган бир фикр шуки, биз советлар тарбиявий фалсафасидан, унинг назарий ва айниқса амалий намуналаридан бутунлай воз кечшимиз керак. Булардан бири, қадим-қадимдан одамзод томонидан инобатга олиниб келинаётган ва бугунги кундаги илмий ютуқлар билан тасдиқланаётган ирсий белги – одамларнинг ҳаммаси баравар қилиб яратилмаганини тан олади. Шундагина биз тарбияга бағишланган буюк маънавий хазинамиз – Авестода бошлаб, «Қобуснома»гача, Муҳаммад Солиҳнинг «Адабул солиҳин» асаридан, Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китобигача, Абушайнинг «Туркий қавмлар тарихи» ёки турк хоқонлиқлари бағишланган китобларидан тортиб «Жавоҳирул хикоят»гача ва бошқа минглаб тарих ҳамда тарбияга бағишланган китобларимизни тўғри тушуна бошлаймиз.

Бу борада «Кутадғу билиг», «Қобуснома», «Адабул солиҳин» ва бошқа манбаларни қайтадан кашф қилишимиз бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолганга ўхшади. Акс ҳолда, биз Евроинтифокка ўхшаб бириктириш, туркий халқларнинг тарихдан йиғиб келган маънавий бойликлари уларнинг ҳаммасига бойлик сифатида етказиш йўлидан эмас, бир-биримиздан узоқлашишга юз тутамиз. Масалан, усмонли турклардаги «гунойдин», қозок ва ўзбеклардаги «ойналайин» бир-бирини маънавий жиҳатдан

тўлдиришни кўрмаслик маънавий жоҳилликдан бошқа нарса эмас, деб ўйлайман. Дардлар ичда жоҳилликдан оғирроқ дард йўқлигини боболаримиз бекорга айтишмаган.

Ёшларимиз эртанги кунда дунёнинг энг зўр олий ўқув юртларида таълим олиб бизнинг жамиятимизга ўша биз юқорида айтган киборлар бўлиб, аммо бизнинг ўзимизнинг минг йиллик урф-одатларимизни эмас, ўзлари ижтимоийлашиб улгурган жамиятнинг киборлик унсурларини ўзларига сингдириб қайтишни бошлашади. Бу эса миллий маданиятимизга баъзи ҳолларда салбий таъсир қилиши, миллий менталитетимизнинг жаҳон нормаларига узвийлашувини узоқлаштириши мумкин. Аслида эса биз дунё янгиликларини олиш билан бир вақтнинг ўзида ўз миллий маданиятимиздаги керакли нормаларни жаҳонга олиб чиқишни ҳам унутмаслигимиз керак. Ахир биз минг йиллик тарихга ва маданиятга эга халқмиз.

Бугунги кунда хоҳлаймизми йўқми, жамиятимизда юқори табақа тушунчаси бор, бу табиий ҳол ва бу тушунча кундан-кунга катта кучга эга бўлиб бораверади. Бу табақа вакили бўлиш учун эса кўпчилик ўйлагандай фақатгина катта мол-мулк эгаси бўлишнинг ўзи етарли эмас. Баъзилар ўша катта бойлик эгаси бўлган ҳолда ўз вақтларини маишатхоналарда ўтказишга киришади ва ўша маишатхоналарда уларнинг баъзилари бир кун бўлмаса, бир кун «Ҳой, гаплашайин десант одам тополмайсан киши», деган охларни қилишади. Чунки уларнинг орасидан ҳам овқат ейишнинг ўзи биргина физиологик эҳтиёжни қондириш бўлибгина қолмасдан, у бир мутафаккирнинг айтганидай, алоҳида санъат эканлигини тушуниб етадиганлари чиқади. Ишончага қийиб борадиган кийимнинг ошхонага қийиб борадиган кийимдан жиддий фарқ қилишини теран англайдими, атрофдагилар эса ошхонага ишхонадаги кийимлари билан келганидан ва улар ўзининг ватандошлари эканидан виждонан қийналади...

Кибор, аристократ одамлар, баъзиларнинг назаридагидек

оғир, «катта», «қораси босади», ҳатто советлар давридагидай кибор, аристократ дейилган тушунчаларда эмас, аксинча уларни энгил, оддий, фикри тиник, теран, суҳбатлашсанг, хузур қилсан деган ибораларда қабул қилиниши керак.

Асл кибор бўлиб ўсмаган, аммо ўзини аристократлардан санайдиган одам ҳам вақти келиб бирон ноқулай ва но-жўяроқ ҳаракат ва сўзи билан бошқа бировни анча ранжитиб қўйиши мумкин. Бу деган, деб ҳолатни ўз йўналишига ташлаб қўйишимиз керакми ёки яшаш тарзимизни, болаларимиз тарбиясини кундан кунга яхшилаш, келажақ авлодимизни асл киборлар авлодидан қилиб тарбиялашга бугунданок киришимиз керакми, деган саволга сўзсиз ижобий жавоб бериб тарихий «мен»имизни тиклаш деган хулосага келасан киши.

Бундай қарасак бизнинг олд-имизда икки йўналишдаги йўл турибди. Биринчиси, маълум, ҳазирги ҳолатдан қоникқан ҳолда барчасига кўниб, бошқаларнинг орқаси бўлиб яшаш. Иккинчиси, бундай қараганда қийини, аммо, бошқа йўлни танлашнинг ўзи иложсиз ва шу йўлдан боришимиз шарт, вазиятни ўз қўлимизга олиб бугунданок ишга киришиш, яъни жаҳон цивилизацияси ютуқларини ўзлаштириб олган халқлар маънавий бойлигини ва ўз тарихимиздаги бойликлари руҳимизга сингдирган ҳолда тезликда ана шу илгарилар кетган халқларни қувиб етиш ва керак бўлса ошиб ҳам ўтиш. Бунга бизда тарихий маънавий бойлик, руҳий, ирсий, миллий ва бошқа имкониятлар етарли.

Мен ўз фарзандимнинг ниҳоятда тарбияли, ниҳоятда билимдон, бир сўз билан айтганда кибор, аристократ бўлишини хоҳламаган ота ва онани билмайман. Бу деган сўз, ўз фарзандимизнинг шундай киши бўлиб етишишига қандай қилиб эришимизда. Бунинг учун эса оиладан бошлаб ва бугундан бошлаб яхши одатларнинг улар руҳи ва шахсиятига сингдириб борилишини бошлашимизда.

**Маҳмуд Йўлдошев,**  
психология фанлари  
номзоди

# ХОРАЗМНИНГ ҲАР ҒИШТИДА

«Урганчмахсуссупудрат» масъулияти чекланган жамияти ҳақида гап кетгудек бўлса Хоразм воҳасидаги кўпчилик деҳқонлар, бу заминнинг ўзига хос тупроғидан зар ундираётган меҳнатқашлар илиқ сўзларни айтишади. Бунинг боисини кейинчалик билдим. Негаки, мазкур жамоа узоқ йиллардан буён аҳоли томорқаларини худди зулукдек сўриб, тинка-ю, мадорини қуритаётган она заминни сизот, шўр ва зах сувлардан халос этиб келяпти. Қарийб яроқсиз ҳолга келган тупроққа қайта ҳаёт бағишлаб, унумдор ерга айлантирмоқда.

## Асрларга ярашган миноралар

Сен азалий дўзаликсан,  
шоҳлар доим талашган,  
Боболарим Хиванинг тошин  
бирга қалашган.  
Вақт билан бахслашиб,  
оҳор бермай бўёгинг,  
Минораю сунбалларинг  
асрларга ярашган.  
Сен олимсан, юртдан аввал  
етти иқлим яратган,  
Кунботишига «Алжабр»нинг  
ҳисобини санатган.  
Дунё фани осмонда ой  
чиққандай ярқ этиб,  
Минг йил бурун Берунидай  
бобом чиққан Қиётдан...

Хоразмда ўтмиши минг йилларнинг нари-берисидан афсонаю, эртақлар сўзлайдиган мингтоқлар диёри – Хазораспа бўлсангиз, доврўғи етти иқлимга таралган, кечалари ой ҳам чиройиға маҳлиё бўладиган диёрнинг шукуҳию, тароватига хийла вақтгача мафтун бўлиб қоласиз. Ана ўша лаҳзининг ўзидаёқ руҳиятингизу ҳаёлотингизни шетриятнинг сеҳр-жозибаси, таровати чулғақандай бўлади. Беихтиёр кулоқларинг остидан Чингизхоннинг мўр-малаҳдай ёпирилган аскарларининг оламни ларзага соладиган наърасию, чинқириғи, Жалолдин самани бўлиб улкан ва шиддат билан оқаётган Амурдарёдан шамол мисоли сакраб, учиб ўтаётган бўйни узун аргумокларнинг туёқлари товуши акс-садо бергандай бўлаверади. Ростини, олам олам бўлиб яралганидан бери бу ўлка таърифу тавсифга сиемас хайратлари билан одам боласининг кўнглини нур мисоли жилвалантириб келади. Чиндан ҳам, кўхна ва ҳамиша навқирон, хайратлар ўлкаси дея таърифланадиган Хоразм воҳаси бетакрор табиати, тақрорланмас обидалари, қалби осмондек кенг, қайноқ, меҳри дарё, жайдари одамлари билан батамом ажралиб туради.

Аслини олганда бу эртақмонанд замин не-не захматларни бошдан кечирмади, жаҳонини зир титратган фотиҳлару, истилочиларнинг газаб ва қаҳрга лимо-лим нигоҳларига, ҳадсиз хужумлар, таънаю дашномлари билан озмунча дучма-дуч келди, дейсизми? Қанча босқинчиларнинг бу замин элига етказган жабру-жафолари, ситамлари хали-хали одамларнинг хотирасидан кўтарилмас керак. Буни қаранг, ўз бошидан не-не жабру ситамларни, захмату-балоларни кечирган бўлишига қарамадан Хоразм замини ҳамиша ҳамрўз сулув ва сукурдай, ораста, тў-

зал келинчак мисоли саранжом-сарийшта, дилбар, жозибасию, мафтункорлигини сира-сираям йўқотгани йўқ. Бу эл, муқаддас макон ўзининг доврўғи етти иқлимга бориб етган олиму фозиллари, сайидлари, пирлари, шоҳу, паҳлавонлари билан ҳам тилдан тушмасдан келяпти то ханузгача. Истиклол, хуррият эркинлари Хоразм элига кўш қанот, парвоз учун қулай шарт-шароитларни муҳайё этиб бермоқда. Воҳанинг олис кишлоқларию, шаҳарлари йилдан-йилга гурқираб, орасталашиб, гулу-гулзорларга бурканиб бормоқда. Эл-улус ўз туғилган маконларини обод этишдек эзгу ташаббусга жон деб бош кўшяпти. Бундай ҳаракатдан «Урганчмахсуссупудрат» масъулияти чекланган жамиятининг кўп сонли жамоаси ҳам асло четда қолётгани йўқ. Мазкур жамоа аҳолини узоқ вақтдан буён оёғига тушов бўлиб келадиган ермайдонларини шўр, зах, сизот сувларидан халос этиб, эл мазмурчилигига, фаравонликка сезиларли улуш қўшиб келмоқда. Бунга яқинда вилоятда бўлганимда, яна бир қарра амин бўлдим.

## Жилвагар ой, сеҳргар дилбар

...Мана ниҳоят танҳо, жилвагар ой ҳам жамолини кўрсатди. Аслида у синчковлик билан тилланган одамга яримта зоғора нонни, янаям аниқроғи ой ўроғини эслашиб юборди. Ўша ойнинг сатта ёруғида далаю ўнгирлар ўзгача рангга товланиб ётар, қалин ва сокин ўрмонни эслашиб юборадиган манзилда дарё ёқасидаги каттагина қоятош улкан бир қал бошга ўхшаб ялтирагани-ялтираган эди. Ёнбағирлар, қоятошлар ва ўнгирлар гўёки бир-бирига елка тутиб, суяб, таянч бўлиб турган баҳодир алпларни ёдга солиб юборарди. Устига-устига осмон токида минг-минглаб ситоралар бодроқдек порлаганича ёғду сочади. Сал наридаги дала яқинидан зовурни зўр бериб қазийтган экскаваторларнинг фарасидан таралаётган нур тикилган кўзни камаштиради. Ишчилар ёққан, чўгли гулхан милт-милт этиб, қариллаб овоз чиқаради. Шу яқин орадан ўтаётган отлик чўпон коллектор қазиб, одамларни қувонтираётган, ташвишини аритаётган экскаватор хайдовчиларини кўриб, уларга «ҳорма, бор бўл» қилгиси келиб, яқинлашди. У бу жойда хийлагача қолиб кетди.

Қоронғуда овоз чиқариб, тошларни бир-бирига уриб, оқаётган, борар манзили томон

жуда ҳам ошиқайтган Амурнинг лойка, бўтана сувлари тун қуюқлашгани сайин қаттиқ шоувуллайди. Бундай манзаралар Улкан Аму бўйларига болалиги кечган Тулибай оға учун қалбига бир қадар яқин. Очиғи, ана шу мафтункор манзараларнинг ошуфтаси бу инсон. Ўзи раҳбарлик қилаётган жамоа ишчилари билан бундай манзараларга тез-тез дуч келиб туради. Бу гал ҳам шундай бўлди. Қуёш ожизгина, кучсиз нур таратиб турган бўлишига қарамадан, аччиқ, этни жужиктирадиган изғириб эсиб турибди. Майин шамол қовжираб битган гул-ғиёҳларнинг димокни қитқилайдиган хушбўй хидини чор-атрофга таратади. Беихтиёр, нигоҳини олис-олисларга қадар чўзилиб кетган, бепоён ёбонлардан узмаётган Тулибай оғага хийла вақт тикилиб турдим. Секин-аста суҳбатимиз табиат, борлик олам, инсонни тўйдирадиган она замин сингари ўлмас мавзуларга кўчди.

– Муштрайлимдан бошлаб дала кезиб, тупроқ сиқимлаб илганганим, англаганим шу бўлдики, инсон ким бўлишидан, қандай лавозимда хизмат қилишидан қатъий назар ўзини кўтариб, боқиб турган она заминдан узоқлашиб кета олмас экан. Шунинг учун инсонга киндик қони томган тупроқ доимо ўзгача куч, қувват бериб туради. Инсон қачонки, ана шу ноёб туйғудан жудо, мосуво бўлса, тамом, у шу захотийёқ ўзлигини йўқотди, – дейди «Урганчмахсуссупудрат» масъулияти чекланган жамияти директори, тажрибали ирригатор Тулибай Утамуротов.

– Қаранг, мен раҳбарлик қилаётган жамоанинг асл мақсади ҳам тупроқдан мислсиз ризк яратаётган, одамларнинг фаравонлигини таъминлаётган зиротчи миришкорларнинг ташвишини аритиб, уларга таянч бўлишидир. Яратган эгам ана шундай савобли ва эзгу ишга бош қўшидиганидан доимо қалбимда шукроналик ҳиссини туяман. Аслида корхонамиз Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги «Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этил-



ган. Ўтган йиллар давомида вилоятнинг Хозарасп, Қўшқўпир, Хива, Шовот, Урганч, Хонқа, Янгиарик, Янгибозор, Гулран, Богот сингари туманларда аниқ ва мақсадли ишлар олиб борилди. Шу вақтгача 72 миллиард 778 миллион сўмлик ишлар муваффақият билан адо этилди.

Тулибай Утамуротовнинг бизга маълум қилишича, мавжуд коллектор ва дренажларни янгитдан қазиб, таъмирлаш ва реконструкция қилиш жараёнида сифатли ва жаҳон стандартларига мос келадиган қурилиш материалларидан расамади билан фойдаланиб бориш муҳим аҳамиятга эга экан. Негаки, барпо этилаётган барча объектлар аҳоли ва кишлоқ хўжалиги корхоналарига узоқ вақт мобайнида хизмат қилиши зарур. Шунинг учун, биргина 2018 йилда жами 7 миллиард 200 миллион сўмлик миқдорда иш бажарилган бўлса, бу жараёнда шак-шубҳасиз сифат ва кафолат масаласи жамоанинг эътибор марказида бўлди.

## Қадрласанг ўзингни, йўқотмайсан йўлингни

Билсангиз, англасангиз керак, инсонийлик – барча фазилатларнинг улуғи, кўрками саналади. Аслини олгандаям, бу қадим тушунча одамзод умрига ўзгача мазмун, шира-мағиз бахш этиши билан тамомила ажралиб туради. Ва шу баробарда ана шу ноёб, антиқа туйғу ер юзидики барча-барча ёвузликларга, ёмонликларга, хурезликларга қарши қўйилган, басма-бас келадиган ўзига хос қалқон бўлиб хизмат қилиши қундай равшан. Яхши одам, ажойиб хулқ-атвори киши бировнинг юмушига халақит бермайди, йўлига тўсиқ бўлмайди, барча турдаги ёмонликлардан йироқроқда юради. Шу аснода ўзгаларнинг ҳам, ўзининг ҳам қадр-қимматига етади. Мавриди келиб қолгани учун халқимизнинг сеvimли эпоси «Алпомиш» дostonидаги қуйидаги кичик

парчани келтириб ўтишни лозим деб топдик: «Қадрласанг ўзингни, йўқотмайсан йўлингни, Ботир қилсанг ўғлингни, лойка босмас қўлингни, Обод қилсанг чўлларинг, ҳазон бўлмас гулларинг, Соз айласанг созларинг, сарғаймагай юзларинг...»

Чиндан ҳам, ўзини жиндай хурмат қилган инсон ўз қадрини, ўз ор-номусини, ғурурини сира-сира топтамайди. Аксинча йигитлик шаън-шавкатини доимо устун қўяди. Гапни бўлари, қисқаси, қалбиди, шуурида эзгулик аланга олган, юраги шу туйғу билан уриб турганларни деб неғадир яхши, рисоладағидек инсонлар дея тан оламиз. Аслида ҳаёт синовларидан обдон ўтиб, синалган бу гапда заррача муболага йўқ. Ҳаётда эса баъзан бунинг тамомила аксига гувоҳ бўлиш мумкин. Аммо, барча одамлар ҳалол, раҳмдил, одил, ҳақиқатгўй бўлганида аллақонлар олам гулистон бўлиб кетган бўлармиди. Қолаверса, ер юзиди барча инсонлар яйраб-яшнаган, аҳил-иноқ ва тотув яшаётган бўлмасмиди. Бу гапларни жон койитиб, қуйиб-пишиб айтишдан мақсад шуки, жамоада тер тўкаётган ишчиларнинг деярли барчасида ана шу ноёб фазилат ва сифатлар мужассамлашган экан. Бу биргина менинг эмас, минглаб деҳқонларнинг, ерга меҳр бериб, катта умид билан қараб турган фермеру миришкорларнинг ҳам фикри.

Дарҳақиқат, биз сўз юритаётган «Урганчмахсуссупудрат» масъулияти чекланган жамиятининг катта жамоаси барча муваффақиятлари негизини аҳиллик ва ўзаро тотувликда деб билади. Билсангиз керак, катта ва савобга йўғрилган ажойиб ишлар ўз-ўзидан, шунчаки бўлиб қолмайди, ранг-баранг фикрлар бир жойда яхлит тарзда мужассамлашганда янгилик пайдо бўлади. Шунинг учун бу ерда ишлаётган барча мутахассислар кези келганда тортишиб, ўзаро бахслашишади. Ва ниҳоят охири бир аниқ тўхтамага

# БОБОЛАРНИНГ ИЖОДИ



хайдовчиси Дониёр Душамов. — Умримни шунақанги савобни тагида қоладиган шарафли юмушга сарфлаганимдан бағоят фахрланаман. Зироатчиларга хизмат этиб, ернинг касалини тузатишга қўлимдан келганича ёрдамлашсам, кўнглимдаги қарздорлик хисси бирозгина бўлсада қамаярмиди, дейман. Бу борада ёнма-ён тер тўкаётганлар билан фикримиз бир, яқдил ҳамдир.

## Пахта одамнинг кафтида ўсади

Пахта далада ўсмайди, одамнинг кафтида атак-чечак бўлиб вояга етади. Худди дастлаб туғилганида эт-жўш бўлган чачалоққа ўхшаб. Чин-пишиқ айтадиган бўлсак, миллион-миллион тонна пахтанинг хар бир толаси инсон заҳматидан бунёд бўлганининг ҳечам қийин ва ажабланарли жойи йўқ. Дехкон халқи, ана шу кўёсевар ўсимлик учун ўзини, жисми-жонини аямайди, фидо этади. Қолаверса, кетмонни икки қўллаб, куч сарфлаб ерга уриш — темирчининг жоним-отим болга солишига жуда-жуда ўхшаб кетади. Корхона жамоасининг мислсиз саъй-ҳаракати туфайли пахта ҳосили етиштириладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолати босқичма-босқич ўнганлиб боряпти. Буни 2018 йил давомида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам билса бўлади.

— Пахта, ғалла ва бошқа турдаги барча кишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан рисоладагидан ортиқ ҳосил йиғиб олиб, даромадни доимий тарзда ошириб бориш ернинг ҳолатига узвий боғлиқ, — дейди «Урганчмаҳсусувпудрат» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси Бахтиёр Садиров. — Фаолиятимизни айнан шу мезонлар асосида олиб борамиз. Урганч туманидаги «Чаккакўл — Узумчилик» коллекторида 2 миллиард 446 миллион сўмлик, Шовот туманидаги «Кўрақлар-2» коллекторида 2 миллиард 187 миллион сўмликдан ортиқ, Хива туманидаги «Озёрний» коллекторида 407 миллион сўмлик, Урганч шаҳар худудидан кесиб ўтувчи Шовот канални инспекторлик йўлини куриш учун 685 миңлик сўмлик ҳамда бошқа сув хўжалиги объектларида эса 1 миллиард 474 миңлик сўмликдан ошмиқ миқдорда маблағ сарфланди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориш борасидаги ишлар қўлами

яқунига етаётган жорий йилда ҳам кенг қўлаб касб этди. Фикримизни рақамлар тилида ифодалаймиз. Биргина 2019 йилнинг ўзида Урганч туманидаги «Юкори Дўрман» коллекторида 2 миллиард 329 миллион сўмликдан ортиқ, Шовот туманидаги «Шовот қалъа» коллекторида 1 миллиард 200 миллион сўмлик, Хива туманидаги «Озёрний» коллекторида 609 миллион сўмлик, Шовот туманидаги «Бўстон», «Бешчикир», «Оқ олтин», «Туркистон» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги зовур тармоқларини таъмирлаш тиклаш объектларида 712 миллион сўмлик, Урганч туманидаги «Равот», «Қарамон» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги зовур тармоқларини таъмирлаш тиклаш объектларида 588 миллион сўмлик, Хоразм вилояти туманларида сувни бошқариш, ҳисоб-китобини юритиш ва сувдан самарали фойдаланиш бўйича намунавий участкаларда бош сув олиш тармоқларини бетон қилиш давомида (1-босқич) 1 миллиард 971,5 миллион сўмлик, (2-босқич) 8 миллиард 160 миллион сўмлик иш бажарилди. Шундай қилиб, шу йилнинг ўзида ҳаммаси бўлиб 15 миллиард 571 миллион сўмлик ишлар ўз ниҳоясига етказилди. Вилоятда Тошқоқа каналлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Вилоят бўйича мазкур каналлар тармоқларини реконструкция қилишда «Тўпаланг» масъулияти чекланган жамияти буюртмачилари билан ҳамкорликда экскаватор ва бульдозерлар кўмағида тупроқ ишлар олиб борилмоқда.

## Ўзбекининг қўли қадок дехқонлари

Танглайи меҳнат билан кўтарилган уларнинг. Муштдайлигидан бошлаб бир учи уфқларга қадар чўзилиб кетган даладан, ёбонлардан бери келмайди. Ҳузури ҳам, ороми ҳам, қувончи ҳам пахта бўлиб келди уларнинг. Агар ўхшатиш жоиз бўлса, унинг одам зотидан биринчи бор танигани, англагани онаизори бўлса, бу ёруғ, армонлари бисёр дунёда бор жамики нарсанинг орасида биринчи бор танигани, кўргани пахта бўлса не ажаб. Ёшини яшаб, қартайиб, мункиллаб қолган чолларга ўхшаб кетадиган, ариқ рошидаги қатор қилиб қаллақланган тутлар ҳам, шалдираб сув оқиб турган толдаги ҳалинчақда

ором олаётган болақай ҳам, пайкал ичида куймаланиб юмуш билан андармон бўлган кизу жувонлар ҳам, осмонни тўлдириб шовқин солиб учаётган қушлар ғаласи ҳам унга сира-сира бегона эмас. Негадир шулар ҳақида қалам тебратяпману, кўз ўнгимда кураги ер исқамаган полвон келбатли алплар гавдалана бошлади. Қаранг, полвон бор жони билан қатта, оғир юк кўтарганида, унинг оғирлиги фақат билагигагина эмас, бутун баданига, танасида қалкиб турган хар бир мускулига тушади, кўринади. Шунга монанд, пахтакор аҳли ҳам йилдан-йилга ҳосил салмоғи ва миқдорини ошириб, улкан қирмон уйганида, шу миллионларнинг вазнини, салмоғини, унинг кичкинагина, нозиккина жусаси ҳам, унинг мўъжазгина кишлоғи ҳам ҳис этарди. Хоразмлик қўли қадоқ дехқон аҳлининг бу йилги сарбаланд хирмонларини бунёд этишда «Урганчмаҳсусувпудрат» масъулияти чекланган жамияти жамоасининг ҳиссаси ҳам сезиларли бўлди. Бу эса миришкорларни бу касб соҳиблари ҳақида илиқ фикр билдиришига имкон бермоқда.

«Урганчмаҳсусувпудрат» масъулияти чекланган жамияти бўлим бошлиғи Зокиржон Худойбергеновнинг эътирофи этишича, одамни одам қилиб турадиган фазилатлар, сифатлар меҳнатда янада яхшироқ билинишини аллақачонлар пайкаб улгурган экан. Бугунги кунда қорхонада эллик нафарга яқин ходим бўлса, уларнинг бариси ўз рўзгорини шу ердан олинаётган маош эвазига тебратар экан. Улар қорхона раҳбарияти ва касба уюшмаси қўмитасининг доимий эътиборида. Айниқса, бу манзилда жамиятнинг кичик кўргани саналган оилалардаги тинчлик ва хотиржамликка, аҳилликка, тотувликка жиддий аҳамият қаратилмоқда. Озмиқ-овқат маҳсулотлари, ижтимоий хизма масалаларида ҳечам муаммо йўқ. Асосий эътибор зиммадаги режаларни ўрнида, кечиктирмасдан удалашга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, йўлнинг машаққатини, танобини тортганим сайн бир учи кенг ва бепоеън уфқларга тутшиб кетган далаларга қириб бораётган коллектор ва дренажларда жонини жабборга бериб тер тўкаётган, кўшиқни варанглашиб қуйлаётган, ҳаётдан, ўтган кунидан мамнун «замин шифокорлари»нинг офтобда қорайган, мамнун чехраси кўз ўнгимдан сира-сира кетмасди. Зеро, шоир марок билан таранум этгани каби, «Сопол тошга гул муҳраб Хива нарқош чевари, Огахийлар армон этган ерларга гул кўқариб, Махтумқули илҳомига пари бўлган гўзал жой, Ажиниёз изи тушган кўчаларинг табаррук». Аслида ана шундай гўзал ва мафтункор дийрда умргузаронлик қилиб, ҳайратланиб туришининг ўзи қатта бахт.

Улуғбек ЖУМАЕВ,  
«Оила даврасида» муҳбири



келишади. Замон хар кунни, хар соатда, инсонни синовдан, имтиҳондан, чигирикдан ўтказишади, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт тегирмонида обдон элайди. Ҳаётда баъзида бир кун ортда қолсанг, бутун бир йилларни бой беришинг, армонда қолишинг ҳам ҳеч гап эмас.

Ўша кунни ишчиларнинг қувнок ва ажойиб даврасида бўлдиқ, улар билан ҳаётини масалалар устуда гурунқ оловини кизитдик. Шу маҳал қорхона раҳбари бир зўр гапни айтиб қолди. «Мен ҳақимда кўп тўхталманг, қанча ёсангиз, қанча илиқ ва самимий гаплар айтсангиз, Саъдулла Якубов, Ҳамдам Нурметов, Дониёр Душамов, Илҳом Душамов, Умид Душамов сингари тилга тушган ўша танги, қўли гул, ориятли экскаватор ва бульдозер хайдовчилари ҳақида айтинг» дея оёқ тираб олди. Ноилож Тулибай оғанинг бу гапига қўнишдан бошқа чорам қолмади. Қорхона машина паркни хориждан келтирилган, иш унуми юқори, хайдовчи учун барча қўлайликлар яратилган техникалар ҳисобига тобора тўлдириб борилмоқда. Масалан, бугунги кунда инсон меҳнатини борган сари енгиллаштирадиган бундай техникалар сони ўттизтага етди. Ўн битта экскаватор, тўртта бульдозер, иккита трактор, битта автокран, битта автосамосвал, битта бетон қорғич, битта автоустаҳона, битта пайвандлаш агрегати, тўртта енгил автомашина кучидан унумли фойдаланилаётгани сабабли режалар ортиғи билан удаланаяпти.

Буни қаранг, юқорида айтганимиздек, экскаватор бошқаришининг устаси бўлиб кетган йигитлардан аксарининг гавдаси чуваккина бўлса ҳам, ўткир кўзларида ва чаккон, эпчил хатти-ҳаракатларида алоҳида бир ғайратни илғаб олиш мумкин бўлади.

— Ўзимни ҳали-ҳанузгача раҳматга арзийдиган юмуш қилдим деб сираям ўйламайман, — дейди қорхона экскаватор

Газетанинг навбатдаги сони 2019 йил 26 декабрда чиқади.

<b>QILA DAVRASIDA</b> iltimo'y-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta	<b>МУАССИСЛАР:</b> Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши; Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши; Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси; Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши; «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси; «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти; «Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси; Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»; «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.	<b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Маждидов, Элмира Боситхонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммаджон Қуроно
	Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди. Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган. Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмасида чоп этилди. Босмаҳона маъзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.	<b>Тахририят манзили:</b> Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темуր 1-тор қўчаси, 2-уй. Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz <b>Буюртма:</b> Г-1237 ISSN 2181-6190 <b>Обуна индекси</b> — 193 Азала: 2 829 нуска. Нархи: келишув асосида. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Чоп этишга топширилади: 22:00



# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ: МАРДИКОР БОЗОРИДАГИ АЁЛ Уни ким ҳимоя қилади?

« Аёлларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг муносиб шароитда меҳнат қилишини таъминлаш бизнинг бош мақсадимиз бўлмоғи лозим.

Афсуски, ишсизлик муаммоси тобора долзарб аҳамият касб этаётган айти пайтда «мардикор бозорлари»да аёлларни ҳам кўрмоқдамиз, оғир шароитларда меҳнат қилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Доимий иш жойига эга бўлмаган бу аёллар ёлланма ишчи сифатида турли оғир юмушларни бажаришга тайёр. Рўзгор хуржунини бўйнига олган нозик хилкат эгалари кун кўриш, фарзандларини боқиш учун шундай ишлашга мажбур бўлмоқда. Мардикор аёллар орасида турли ёшдаги хотин-қизлар бор. Ҳаётда қийналган, иш сўраб кўп эшикларга бош урган, ҳеч қандай натижа чиқмагач, мардикорлик қилаётган аёлларнинг қўлида касб-хунари йўқ, аксарияти маълумотсиз, муқим шахсий тураржойсиз.

Халқ демократик партияси доимий иш жойига эга бўлмай, оғир ижтимоий вазиятда қолган аёлларнинг муаммоларини ҳал этиш учун мамлакатимизда янги тизим жорий этиш, иш-

сиз аёлларнинг манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш зарур, деган ташаббусни илгари сурапти.

Вазият шу қадар жиддийки, мардикор бозорига чиқадиганлар аёлларга уй юмушларига эмас, ғишт куйиш, юк ташиш каби оғир ишлар ҳам юкланади. Пайти келса, ишлатиб ҳақини бермаслик, мардикорлик учун ёллаб, кейин бошқа ишларга мажбурлаш ҳолатлари ҳам учрайди.

Жойларда мутасаддилар билан ўтказилаётган сайёр қабуллар чоғида ҳам ишсизлик муаммоси, аёллар бандлигини таъминлаш бўйича кўплаб муурожаатлар бўлмоқда. Доимий иш жойига эга бўлмаган, оғир ижтимоий вазиятда қолган аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ниҳоятда долзарб вазифадир.

Аёллар бандлигини таъминлаш йўналишида қатор чоратadbирлар амалга оширилиши лозим:

**Биринчидан**, депутатлик ва жамоатчилик назорати тартибда «мардикор бозорлари»ни атрофлича ўрганиб чиқиш, шу асосда фуқароларни вақтинча иш билан таъминлашга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг нечоғлик ишлаётганини аниқлаш зарур. Агар меҳнат бозорига бир марталик ишчиларга талаб юқори бўлса, жараёни ташкил этиш механизмини соддалаштириш, ҳуқуқий меъёрларни мустаҳкамлаш, аёлларнинг меҳнат муҳофазасини кучайтириш зарур.

Аёллар турли сабабларга кўра «мардикор бозорлари»га чиқмоқда. Шулардан асосийси ишсизлик бўлса, кейинги ўринларда уй-жойга эга эмаслиги, турмушдан ажралгани ва боқувчиси йўқлиги, норасмий никоҳлар, айрим аёлларда ҳатто фуқаролик паспортининг мавжуд эмаслиги кабилардир.

**Иккинчидан**, бандлик ва ишсизликка қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишга доир илғор хорижий тажрибани ўрганиш, шу асосида бандликни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳамда бошқа тегишли қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаб,

Халқ демократик партияси фракцияси орқали олиб чиқиш лозим.

**Учинчидан**, хорижий мамлакатларда дераза ювиш, уй тозалаш каби юмушлар учун ҳам турли фирмаларга муурожаат қилинади. «Мардикор бозорлари»да аёлларга таклиф этилаётган меҳнат турларини аниқлаш, уларнинг орасида аёллар имкониятига мос бўлган фаолият турлари бўйича Ўзбекистонда ҳам фирмалар, меҳнат биржалари фаолиятини ташкил этиш, уларга ишсиз аёлларни бириктириш,

**Тўртинчидан**, маълумки, аёллар турли сабабларга кўра «мардикор бозорлари»га чиқмоқда. Шулардан асосийси ишсизлик бўлса, кейинги ўринларда уй-жойга эга эмаслиги, турмушдан ажралгани ва боқувчиси йўқлиги, норасмий никоҳлар, айрим аёлларда ҳатто фуқаролик паспортининг мавжуд эмаслиги кабилардир. Демак, муаммони тизимли ечиш фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, аёллар бахтли яшамас, муносиб шароитда ишламас экан, жамият фаровон бўлмайди. Биз аёлларнинг бахтли яшашини, доимо ҳурмат ва эъзозда бўлишини истар эканмиз, доимий иш жойига эга бўлмаган, оғир ижтимоий вазиятда қолган опасингилларимизнинг оғрикли муаммоларини ҳал этиб беришимиз лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биз ҳар бир шахс муносиб шароитларда меҳнат қилишининг тарафдоримиз!

Сайловларда партиямиздан кўрсатилган номзодларга овоз беринг!

**Малика РАШИДОВА,**  
ЎзХДП Марказий Кенгаши  
сектор мудири

## XALQ MANFAATLARI HAMMA NARSADAN USTUN!



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASIDAN  
KO'RSATILGAN



NOMZODLARGA OVOZ BERING!

